

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

BC6441642567

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **OLDI-SOTDI ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Qorovulbozor tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 10.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Qorovulbozor
tumani yuridik
markazi
yuriskonsulti:**



A.J.BOLTAYEV

10.10.2022

Махсулот етказиб бериш тўғрисида
ШАРТНОМА № 107

10. 10. 2022 йил

Коровулбозор т

Кейинги уринларда «Махсулот етказиб берувчи» деб юритилган МЧЖ "EQUIMED" жамиятининг низоми асосида иш юритувчи директори А.Р.Фармонов, бир томондан ва Кейинги уринларда «Сотиб олувчи» деб юритиладиган Коровулбозор туман тиббиёт бирлашмаси узининг Низоми асосида иш юритувчи А.Уринов, иккинчи томондан куйидагилар тугрисида ушбу шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Махсулот етказиб берувчи» ушбу шартноманинг 2.1. бандида қайд этилган миқдорда, баҳоларда ва муддатларда «Сотиб олувчи» га етказиб бериш, «Сотиб олувчи» эса етказиб берилган махсулотларни қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2. МАХСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТИ

2.1. Шартномада кўрсатилган махсулотларни етказиб бериш шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

№	Махсулотлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси	ККС		Сумма ККС билан
						Ставка	Сумма	
1	Электрический операционный стол ТМІ-1201	Дона	1	56 521 739,13	56 521 739,13	15%	8 478 260,87	65 000 000
2	Операционная лампа ТМІ-НEX-CT-5+3	Дона	1	51 304 347,82	51 304 347,82	15%	7 695 652,18	59 000 000
3	Нагреватель для новорожденных	Дона	1	58 260 869,56	58 260 869,56	15%	8 739 130,44	67 000 000
4	IVL для новорожденных NV8	Дона	1	181 739 130,43	181 739 130,43	15%	27 260 869,57	209 000 000
Жами:					347 826 086,94		52 173 913,06	400 000 000

2.2. «Махсулот етказиб берувчи» томонидан «Сотиб олувчи» га махсулотларни тўлиқ етказиб берилган кун, «Махсулот етказиб берувчи» томонидан махсулот етказиб бериш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлари бажарилган сана деб ҳисобланади.

2.3. Буюртма қилинган махсулотларни «Махсулот етказиб берувчи» ўзининг транспортларида «Сотиб олувчи» га етказиб беришни ўз зиммасига олади.

2.4. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 45 (қирк беш) иш куни муддат ичида «Сотиб олувчи»га етказиб бериши шарт.

3. МАХСУЛОТ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг умумий қиймати **400 000 000 сум (Турт юз миллион) сўм.**

3.2. Кўрсатилган хизмат ҳақини ҳисоблаш учун тарафлар ўртасида келишувга мувофиқ белгиланади

3.3. «Сотиб олувчи» ва «Махсулот етказиб берувчи» га шартнома тузилган пайтдан бошлаб 10 кун муддат ичида махсулот ҳақини олдиндан 30 % аванс тўлаб беради. Шартнома қийматининг қолган қисми махсулот «Сотиб олувчи» га етказиб берилгандан сўнг тўлаб берилади.

3.4. Етказиб бериладиган махсулотлар баҳоси ўзгарган тақдирда юкланадиган кундаги баҳо асосида қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3.5. Хисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган бошқа тартиб усулларда амалга оширилади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. «Маҳсулот етказиб берувчи»нинг мажбуриятлари:

4.1.1. Маҳсулотни сифатли ва шартномада белгиланган муддатларда бажариш;

4.2.2. Маҳсулотни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда “Сотиб олувчи” га ўз вақтида топшириш;

4.1.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товарлар юборилганлиги ҳақида хабарномани олган пайтдан бошлаб 3 (уч) банк иш кун ичида сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотни сифатлисига алмаштириш ёки сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотни пулини қайтариб бериш.

4.1.3. Маҳсулотлар сифати “Сотиб олувчи” га мос келмаганда, бу ҳақида хабар берилгач, 3 (уч) банк кун ичида маҳсулотни сифатлисига алмаштириб бериш.

4.2. “Маҳсулот етказиб берувчи” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4.2.1. Ушбу шартномага асосан тўлиқ етказиб берилган маҳсулотлар ҳақини “Сотиб олувчи” дан талаб қилиш.

4.2.2. “Сотиб олувчи” нинг розилигини олган ҳолда маҳсулотни муддатидан олдин етказиб бериш.

4.3. “Сотиб олувчи” нинг мажбуриятлари:

4.3.1. Топшириш-қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда маҳсулотни миқдори, сифати ва бутунлиги бўйича қабул қилиб олиш;

4.3.2. Сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулот келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу маҳсулотнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 (уч) банк иш кун ичида бу ҳақда “Маҳсулот етказиб берувчи” ни хабардор қилиш;

4.3.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда маҳсулот ҳақини ўз вақтида тўлаш.

4.4. “Сотиб олувчи” қуйидаги ҳуқуқларга эга

4.4.1. “Маҳсулот етказиб берувчи” дан маҳсулотларни сифати ва шартномада белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилиш.

4.4.2. Етказиб берилган маҳсулотлар аниқланган камчилик ва нуқсонларни унинг талабига кўра сифатлисига алмаштириб беришни талаб қилиш.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ ВА МИҚДОРИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. “Маҳсулот етказиб берувчи” томонидан етказиб бериладиган маҳсулотларни сифати амалдаги давлат стандарти (ГОСТ,ТУ) талабига жавоб бериши лозим ва бу ҳақида “БУЮРТМАЧИ”га маҳсулот сертификатида нусха берилади.

5.2. Маҳсулотлар миқдори ва сифати бўйича қабул қилиш амалдаги П,П-7 йўриқномалар асосида маҳсулотни қабул қилиб олиш жойида (“Маҳсулот етказиб берувчи” нинг тайёр маҳсулотлари омборида) амалга оширилади. (Амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

6. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Маҳсулотларни етказиб бериш ва тўловларни амалга ошириш муддатлари кечиктирилган тақдирда айбдор тараф иккинчи тарафга мажбурият бажарилиши кечиктирилган

хар бир кунга 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеня миқдори асосий қарзни 50 фоиздан ортиб кетмаслиги лозим.

6.2.Бошқа ҳолларда тарафлар шартномавий мажбуриятларни бажармаганликлари ёхуд лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномвий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги Қонунда ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда мулкӣ жавобгар бўладилар.

7. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Шартнома тарафлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амалда бўлади.

7.2. Шартнома тарафларни келишуви билан ёхуд Фуқаролик кодексининг 282-383-моддаларида кўзда тутилган шартлар асосида бекор қилиниши, шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Шартномага киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда қўшимча битим сифатида расмийлаштирилади ва ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланиб, тарафлар учун бажариш мажбурийдир.

8. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Тарафлар ўртасида вужудга келган ва келишув асосида хал қилиб бўлмаган барча низолар Фарғона туманлараро иқтисодий суди орқали хал этилади.

10. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

<p>“СОТИБ ОЛУВЧИ” Коровулбозор туман тиббиёт бирлашма</p> <p>Б.Накшбанд 84 уй</p> <p>Р/С 100022860062327073101054001</p> <p>Маркзӣй банк Тошкент шаҳри МФО 00014 СТИР 201057326 Тел./факс: +364 16 68</p>	<p>“МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” МЧЖ «EQUIMED»</p> <p>Адрес: г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Чиланзар 83 р/с: 20208000900918981002 в ORIENT FINANS BANK Чилонзор филиали МФО:01096 ИНН: 305746404 Тел./факс: +99890 0021731</p>
<p>Рахбар:  А.Уринов</p> <p>М.У</p>	<p>Рахбар:  Фармонов А.Р.</p>